

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

СОБИРЖОН ИСМОИЛОВ, ОМОНЖОН БЕГИЕВ

ТАРИХИМИЗ-БИТМАС- ТУГАНМАС ХАЗИНА

тарих фанини ўқитишда Президент Ислон Каримов
асарларидан фойдаланиш
(умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари учун)

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ББК: 63

УДК: 9

И-85

Собиржон Исмоилов, Омонжон Бегиев. “Тарихимиз-битмас-туганмас хазина” тарих фанини ўқитишда Президент Ислам Каримов асарларидан фойдаланиш (умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари учун) ўқув қўлланма. -Гулистон: 2015. 64 бет.

Ушбу “Тарихимиз-битмас-туганмас хазина” тарих фанини ўқитишда Президент Ислам Каримов асарларидан фойдаланиш (умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари учун) мавзусидаги ўқув қўлланмада Президент Ислам Каримовнинг беш муҳим: “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзусидаги маърузаси, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”, “Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи ва “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асарларида берилган муҳим ва аҳамиятли маълумотларга бағишланган бўлиб, тарих фани ўқитувчилари ва мустақил ўрганувчиларга Президент Ислам Каримовнинг тарихий мавзудаги асарлари ва улардаги асосий ғоялар ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

Масъул муҳаррир: т.ф.н., доц. **С.Қудратов**

Такризчилар: т.ф.н. **Б.Тўйчибоев**
т.ф.н. **У.Қиличев**

ББК: 63

УДК: 9

Ушбу “Тарихимиз-битмас-туганмас хазина” мавзусидаги ўқув қўлланма СВКҚТВМОИ Илмий Кенгашининг 2015 йил “5” сентябрдаги № 8 - сонли мажлисида қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ялпи янгиланишлар бевосита Президент Ислом Каримов асарларида нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва интервьюларида илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган.

Демак, туб ислоҳатлар моҳиятини ҳар томонлама ўрганадиган, уни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этадиган ҳар бир киши Ислом Каримов асарларига мурожаат этиши, уни жиддий равишда мутоала этиши зарур.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998), “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзусидаги маърузаси (2007), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” (2011), “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” (2014) мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи ва “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” (2015) асарлари асосида тайёрланган бўлиб, ушбу асарларнинг энг муҳим фикр ва ғоялари, мазкур асарларнинг асосий мазмуни ва уларда берилган таърифу, талқинлар ҳамда юқоридаги китобларда берилган асосий ахборот ва маълумотлар, улардан ижтимоий фанларни ўқитишда фойдаланиш масалаларини ёритиб беришга бағишланган. Муаллифларнинг ўз қўлланмасида илгари сурган фикр-мушоҳадалари ва талқинлари Президент асарларидаги муҳим ва аҳамиятли бўлган фикр-мулоҳазалар ва маълумотларни қисқа вақтда ўзлаштириш имконини туғдиради.

Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан мустақиллигимизнинг турли йилларида ниҳоятда долзарб ва аҳамиятли, муҳим ва қадрли масалаларни илгари сурган асарларини ўрганиш бўйича тайёрланган ушбу ўқув қўлланма мамлакатимиздаги умумтаълим мактаб ўқувчилари ва тарих фани ўқитувчилари, шунингдек олий таълим муассасалари талабалари, профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, зиёлилар, ҳамда кенг китобхонларга, умуман, маънавият ва маърифат билан қизиқувчи кишиларга, таълим-тарбия тизимида фаолият юритувчи барча зиёли инсонларга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
“Тарихий хотирасиз келажак йўқ”
асари ҳақида қисқача
МАЪЛУМОТ

Президент Ислом Каримовнинг ушбу асарини шартли равишда:

- Кириш,**
- ҳаққоний тарих,**
- тарих ва маънавият,**
- тарих билан қуроллантириш,**
- тарих фанининг истиқболдаги вазифалари ва**
- Хулоса** қисмларга бўлиш мумкин.

Жумладан:

Асарнинг **Кириш** қисмида:

**Жамият тараққиётининг асоси,
уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб
қоладиган ягона куч-маърифатдир.**

Одамзод борки, **авлод-аждоди** кимлигини, **насл-насабини**, ўзи туғилиб вояга етган **қишлоқ, шаҳар**, хулласки, **Ватанининг тарихини** билишни истайди.

Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

...Энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астроно(3)мия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин.

...бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди.

...ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум эдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик.

"СССР тарихи" деб аталган дарсликда Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3-4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида ноҳолис фикрлар айтиларди.

-Ҳаққоний тарих қисмида

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор. Мен тарихчи эмасман. Лекин **табиий бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми?**

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ҳақида яхлит концепция йўқ. **Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.** Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.

Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. *Бу-биринчидан.*

Иккинчи масала шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. **Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.** Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Нега мен маърифат сўзини кўп такрорлаб, унга алоҳида урғу беряпман? Чунки, **жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир.**

...Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!

Айнан шунинг учун ҳам ўз пайтида Республика Маърифат ва маънавият марказини ташкил этдик.

Қолаверса, маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. **Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак.**

...маърифатчи, энг аввало, фидойи бўлмоғи, ўзидан кечмоғи керак.

-тарих ва маънавият қисмида:

Энди асосий масалага ўтсак. Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! **Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.**

Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

... жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман.

Инсон учун тарихидан жудо бўлиш- ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Энг мўътабар, қадимги кўлёзмамиз "Авесто"нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. "Авесто" айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.

...биз ҳамон рус олимларининг тадқиқотларига таянамиз, иқтибос кўчираамиз. "Бартольд ундай деган, Гумилев бундай деган..." ва ҳоказо. ...қачонгача биз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳолаймиз? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомини олган эмиш.

...бутун халқ билишни истайди: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Тарих оламида меҳнат қилаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим, деб билганим учун уларга шу

талабни қўймоқдаман: қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар?

...Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу давронинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир.

...биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркийтилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар.

Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этишимиз ва аслида ҳам шундай.

Жаноб Жак Ширакка давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз.

Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам "Куч - адолатда" дейиши мумкинми?!

Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади.

"Тафаккур" журналига берган интервьюда Амир Темур бобомизнинг "Куч- адолатда" деган фикрини ривожлантириб, "Куч- билим ва тафаккурда", деган ғояни ўртага қўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият қаердаю, Атилла қаерда?

...минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Ахмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди.

Ўзбек номи қачон пайдо бўлган?

Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.

...шу нарса аён бўладики, Александр ҳам(уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. ...улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий, маданий

имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам.

Халқимиздаги "илиги тўқ, бақувват" деган тушунча, мен, ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. **Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демокчиман.** Яна тилимизда "тагли-тугли", "палаги тоза" деган иборалар ҳам бор.

...миллий борлиғимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.

Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

Саклар, массагетлар, сўғдлар, бактрияликлар деган турли ибораларнинг орқасидан қувиб юриш ўрнига, тарихчиларимиз миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, **тарих - халқ маънавиятининг асосидир.**

Дунёда дўст бор экан, ғанимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йили Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шуни ҳам турлича талқин қилувчилар бўлди.

Авваламбор, **биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади.**

Давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар - "Темур тузуклари"ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб қолдирган бошқа ҳукмдор борми ўзи?

Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда гап тантаналардагина эмас, муҳими, **биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз.** Албатта, ҳар бир миллат ўз аждодларини эслаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйишга интилади. Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатидан халқларни яқинлаштиришга, уларни ҳамжиҳат этишга хизмат қилсин.

Хожа Аҳрор Вали "Шайхлар шайхи" деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки қилмаган.

Чор Россиясининг Скобелев деган генерали ўз императорига мурожаат қилиб, шундай деб ёзган эди: "Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди".

-тарих билан қуроллантириш қисмида:

Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.

Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим.

Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Биз фан ривожини учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райҳон Беруний бобомиз: "Илм-фан кишиларнинг ҳаётини эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади" деб ёзган.

-тарих фани олдида турган истиқболдаги вазифалар қисмида:

Тарих фани, унинг бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида гапирар эканмиз, мен яна бир масалага эътибор қаратишни истардим. Агар биз тарихчиларни тарозига солсак, бугунги кун нуқтаи(26) назаридан баҳоласак, талабга жавоб берадиганлари жуда камчиликни ташкил этади. Шунинг учун тарихчи мутахассислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошланғич нуқтасидан яхшилаш лозим, деб ўйлайман. Керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим. Бунинг учун эса аввало мукаммал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш керак. Муҳими, ёшларнинг орасига кириш, уларнинг ичидан қобилиятли, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак. Бизда 30-35 ёшли академиклар борми? 16 ёшга

кирган ўспирин - Рустам Қосимжонов шахмат бўйича қандай натижаларга эришди, жаҳон миқёсида ғолиб бўлди! Шахмат ҳам фан, бу математика дегани эмасми?

Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади.

Иккинчидан, бизда довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яҳё Ғуломовни яхши билардим. ...тарихий тепаликларни ҳам текислашга қарши чиққан олим Яҳё Ғуломов ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

...биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси ҳам тарих булоқларидан озиқланади.

Яна бир муҳим масала шуки, ... сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум - бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади.

...бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга ғоя ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат.

Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. **Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.**

...бино қанчалар баланд бўлса, унинг пойдевори ҳам шу қадар чуқур бўлади. Биз буюк давлат қуришни бошқа имконларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор.

Хулоса қисмида:

Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш яхлит концепциясини, илмий изланишларнинг услубини, амалга оширадиган илмий муассасалар, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан бошланади.

Мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга қарашли Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари туришлиги таъкидланади.

Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги

йўналишлар пайдо бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим.

Асарнинг аҳамияти

Биринчидан, ҳар бир одамзод уч тарихни, авлод-аждоди, насл-насаби (1), ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар(2) ва Ватан тарихи(3)ни билишни исташи табиий эканлиги таъкидланган.

Иккинчидан, асарда тарихчиларимиз олдида ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини илмий ўрганиш вазифаси қўйилган.

Учинчидан, миллий давлатчилик тарихимизни яратиш юкланган.

Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси” китобида **“Тарихий хотирасиз келажак йўқ”** асарнинг қисқача мазмуни қуйидагича талқин этилади¹:

Китобда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг республикаимиз тарихчи олимлари ва журналистлари билан ўтказилган суҳбати ўз ифодасини топган.

Ушбу суҳбатда Президентимиз томонидан мамлакатимизда коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бутун маънавиятимиз, миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз топталганлиги, тарихимиз, давлатчилигимиз тарихи атайин бузиб кўрсатилганлиги яна бир бор таъкидланиб, ушбу нуқсонлар ва қарашларга қарши тарихчиларимиз томонидан мустақидликнинг ўтган йиллари давомида аниқ бир фикрга келинмаганлиги, асрлар давомида юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган биронта илмий тадқиқот ҳали яратилмаганлиги жиддий тарзда таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, “Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? У қандай босқичларни босиб ўтди?” деган саволларга жавоб топиш ва тарихимизни бугунги кун нуқтаи назардан ўрганиш, яратиш орқали тарихий хотирани тиклаш лозимлиги тарихчиларимиз олдида муҳим вазифа қилиб қўйилди. (1998 йил 26 июнь).

Юртбошимиз ушбу асарида тарихчиларимизга 87 та савол билан мурожаат қилган.

¹ Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 51 бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
“Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли”¹
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва
Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига
бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси ҳақида қисқача
МАЪЛУМОТ

Президент Ислом Каримовнинг ушбу маърузасини шартли равишда:

- Кириш,**
- мустақиллик даврини даврлаштириш,**
- тараққиётнинг “ўзбек модели”,**
- мустақиллик арафаси тарихи,**
- миллий давлатчилик стратегияси,**
- ўтиш даври ютуқлари,**
- ижтимоий сиёсат,**
- қуролли кучларимиз,**
- ташқи сиёсат,**
- баркамол авлод тарбияси.**
- биринчи давр сарҳисоби,**
- иккинчи босқич вазифалари,**
- истикболдаги мақсад ва**
- Хулоса қисмларга бўлиш мумкин.**

Жумладан:

-Маърузанинг **Кириш** қисмида:

Ватанимиз ўз мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. ...ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ.

...эски тузум инқирозга учрай бошлаган бир пайтда мамлакатимизда ўзлигимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш ҳақида яхлит, жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007. 48 бет.

...истиклол ўзбек халқига тухфа тариқасида берилмагани – бу ҳақида изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур.

-мустақиллик даврини даврлаштириш қисмида:

... мустақил тараққиёт йўли **икки давр**га ажратиш тўғри бўлади. ...ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич - фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлаш давр бўлди.

Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилдик.

-тараққиётнинг “ўзбек модели” қисмида:

Янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган қуйидаги беш тамойил асос қилиб олинди:

биринчидан - иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги;

иккинчидан - давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида бош ислоҳотчи бўлиши;

учинчидан - қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

тўртинчидан - кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ночор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш;

бешинчидан - ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Ушбу тамойиллар мамлакатимизни ислоҳ этиш бўйича аниқ принципаал мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

...ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, “Ислоҳотлар - ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” ҳаётий шиорлар пайдо бўлди.

-мустақиллик арафаси тарихи қисмида:

...мамлакатимизни ислоҳ этишда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик. ...ўзини оқлаган жаҳон тажрибаси диққатимиз марказида бўлди.

...ўша мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолганди.

Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хом ашё тайёрлашга йўналтирилгани, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. ... республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. Бунини аҳолининг рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Боз устига, миллий валютаимиз инфляциясини жиловлаш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш зарур эди.

Қисқача айтганда, мамлакатимизни асраб қолиш талаби ўта кескин бўлиб турар эди.

1984-1989 йиллардаги оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг норозилигининг олдини олиш ва КПСС Марказий комитети Ўзбекистонга юборилган, «десантчилар» гуруҳни кўпчилик яхши эслайди.

Бу ҳақда гапирганда, Қувасой, Фарғона ва Қўқон, Наманган, Бўка ва Паркент, Гулистон, Тошкент ва Ўш воқеалари, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган таҳликали кунларни ҳам эслашимиз лозим.

Биз, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда ўзига хос хусусиятларини, мамлакатимизнинг минерал хом ашё ва инсоний салоҳиятини ҳолисона баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб олдик.

-миллий давлатчилик стратегияси қисмида:

...миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш стратегияни амалга оширишдаги қадамларимиз:

Аввало, тарихан жуда қисқа муддатда Асосий Қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Асосий Қонунимизда ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги белгилаб берилди.

Иккинчидан, ...ижро ҳокимиятининг тизими ва тузилмаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга эди. Шу мақсадда туб маъмурий ислохотлар амалга оширилди. ...кўплаб тармоқ вазирликлари тугатилди, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди - маҳалла институтига эътибор қаратилди.

Учинчидан, ...суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Тўртинчидан, ...мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди.

-ўтиш даври ютуқлари қисмида:

Ўтган давр мобайнида миллий иктисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг олдимизда республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа турар эди.

Иқтисодий соҳада:

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди? Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати улкан саноат захираларига эга бўлганига қарамасдан, йилига 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтирилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди. Шўртан газ-кимё мажмуаси каби ноёб иншоот барпо этилди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобиль заводларини барпо этилди. Ўзбекистон собиқ СССР пахта хом ашёси тайёрлар, ғалла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжимизнинг 80 фоиздан ортиғи эса четдан келтирилган. Андижон вилоятида майдонларнинг 88 фоизини ғўза эгаллаб олган эди. Фақат ҳовлиларга, томларимизга пахта экмасдик, холос. ...пахта хом ашёсининг 7 фоизигина мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланарди.

Ўзбекистон, ўзбек миллати мустақиллик туфайли тараққиётнинг катта йўлига чиқди. Бунини тушуниш, англаш учун тарихни яхши билиш, уни доимо ёдда тутиш лозим. Тарихни унутган халқ келажакни йўқотади.

Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилар эди.

Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Дастлабки йиллардаёқ биз учун янгилик бўлган бозор иқтисодиётининг асослари яратилди, ...мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо бўлди.

Айни пайтда биз учун мутлақо янги бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш ҳамда ўз миллий валютамызни муомалага киритиш улкан аҳамият касб этди.

...биз 2003 йилда эркин конвертация қилинишига эришдик.

Ижтимоий соҳада:

Ижтимоий нуқтаи назардан ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилди.

-Қуrolли Кучларимиз қисмида:

...мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуrolли Кучларимизнинг шакллантирилиши ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Терроризмга қарши кураш корпуси тузилди. Бу корпус Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларига суқилиб кирган халқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операцияларда намоён бўлди.

Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш жараёни ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартирганини қайд этиш зарур.

...армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланиди.

-ташқи сиёсат қисмида:

...ташқи сиёсат ва дипло бу соҳада Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди.

Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86 та элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

...ташқи сиёсатнинг таг-томирида - Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати.

...Марказий Осиёда ядро куролидан холи ҳудуд барпо этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ.

, шунингдек, халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

-баркамол авлод тарбияси қисмида:

...мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

1997 йили 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. ...дастур 12 йиллик таълимга ўтишни кўзда тутди. ...коллежларда 2-3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини беради.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида 43 та академик институт муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. ...ислохотларни жорий этишда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этди.

...«оммавий маданият», хуруж ва ғаразли интилишлардан огоҳ бўлишимиз даркор.

Бундай бало-қазоларга қарши курашда, нималарга таянишимиз зарур? Аввало, тўғри тарбия, соғлом турмуш ғояси, фақатгина қаттиқ ирода ва иймон-этиқод ҳисобидан бунга эришиш мумкин.

-биринчи давр сарҳисоби қисмида:

1991-2000 йиллар давомида

-эски маъмурий-буйруқбозлик тизимида барҳам берилди,

-миллий давлатчилиқни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди,

-давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди,

-ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди,

-иқтисодий эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Мухтасар айтганда, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган - Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври - миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмоқда.

Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари –

-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш,

-мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш,

-инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш,

-фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш,

-фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборатдир.

Ўтиш даври ва миллий давлатчилиқни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ҳал қилувчи вазифаси бўлди. ...мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди.

Қонунчилик палатасини профессионал органга айлантириш, - Сенатни ҳудудлар манфаатларини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам эканини белгилайдиган нормаларнинг ўзгартирилиши муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади.

Хусусан, Бош вазир лавозимига номзод буйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизмнинг жорий этилгани давлат қурилиши соҳасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Конституциявий қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқининг берилди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислох этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлари халқаро ҳамжамият томонидан ижобий кутиб олинди ва бутун дунёда катта акс садо берди.

...умрбод озодликдан маҳрум қилиш фақат икки турдаги жиноят, қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

...умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польша каби давлатларда 5 турдаги, Бельгия ва Россия Федерациясида 6, Францияда 18, Голландияда эса 19 турдаги жиноят учун тайинланади.

...бугун мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот, 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудияси фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало иқтисодиётнинг ривожланиши, иқтисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан келиб чиққан ҳолда баҳо берамиз.

-иккинчи босқич вазифалари қисмида:

Шу ўринда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ўсиб бораётгани иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида чуқур иқтисодий ислохотларни амалга оширишга асосланганини

таъкидланган. ...иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ҳар бир босқичида устувор вазифаларни аниқ белгиланди.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш

Айниқса, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун инвестиция муҳити яратилди. Натижада 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади.

Солиқ юкини камайтириш борасида 2000-2007 йиллар даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга камайтирилди.

қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. ...хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилди.

...Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган, соҳада аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиди.

транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласи ...умумий узунлиги 633 километр Навоий-Нукус, 223 километрлик Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл магистраллари, Қамчиқ автомобиль йўли барпо этилди.

Ўтган даврда қўлга киритган салмоқли ютуқ ва натижаларимиз *халқимизнинг даромадлари ва фаровонлигини изчил равишда ошириб боришни* таъминлаш, кенг кўламли ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

2007 йил охирига бориб республикамызда ўртача иш ҳақи миқдорининг 200 доллар даражасига етиши кутилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда *замонавий меҳнат бозори* шаклланди - мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади.

2006 йилда ишсизлик даражаси 5,3 фоизгача камайгани ҳам шундан далolat беради.

Мамлакатимиз аҳолиси, аввало қишлоқ жойлардаги *одамларнинг турмуш шароити* изчил тарзда яхшиланмоқда. ...аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бугунги кунда 84 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 77 фоизни, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизни, қишлоқ жойларда эса 78 фоизни ташкил этмоқда.

Халқимиз турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида *соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш* алоҳида ўрин тутди.

Аҳолига бепул шошилиш ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тармоғининг ташкил этилди. 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар туғилишига хизмат қиладиган кенг тармоқли скрининг марказлари ташкил этилди.

Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 24 тага тушди, гўдаклар ўлими эса илгари 1000 нафар чакалоққа 35 тадан тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда 14 тага тушди.

...бугун Ўзбекистонда чечак ва ич терлама, куйдирги, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди.

1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшни ташкил этди. Жумладан, эркаклар ўртасидаги ўртача умр кўриш 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида эса 70 ёшдан 74,6 ёшга узайди.

-истикболдаги мақсад қисмида:

...узоқ муддатли мақсад-муддаоларимиз - Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш борасида зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

«Ҳамма нарсаси инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

...ислохотларимиз пировард мақсадга - халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиш беришга қаратилиши даркор.

Хулоса қисмида:

...буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга фахрдир.

...мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиздан кўнгли тоғдек кўтарилиши, шу ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб қувониб, фахр-ифтихор қилиб яшаши табиий.

Ҳеч шубҳасиз, бугун бутун маърифий дунё кечираётган озод ва обод ҳаётга эришиш учун куч ва салоҳиятимиз ҳам, имкониятимиз ҳам, энг муҳими, азму шижоатимиз ҳам етарли.

Ишончим комилки, Ватанимиз истиқболини ўйлаб бошлаган барча улуғ ишларимизни албатта охирига етказамиз, ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришамиз, иншоолло.

Асарнинг аҳамияти

Биринчидан, маърузада илк бора мустақиллик даври тарихий нуқтаи назардан даврлаштирилди.

Иккинчидан, миллий давлатчилик стратегиямиз назарий асосланди.

Учинчидан, мустақилликнинг биринчи даврда эришилган ютуқлар ва иккинчи даврдаги истиқбол вазифалар белгилаб берилди.

Тўртинчидан, ушбу асар ўзининг тарихий қимматга эгаллиги билан ҳам аҳамиятга молик асардир.

“Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси” китобида
“Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” асарнинг
қисқача мазмуни қуйидагича талқин этилади¹:

Мустақил тараққиётнинг 16 йиллик йўли ўзига хос курашлар, қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар ва уларни жуда катта сиёсий ирода, маънавий куч-қудрат билан енгиш даври бўлди. Статистик маълумотларга кўра, айти аана шу ниҳоятда қисқа даврда яқин ўтмишимиздаги етмиш йил мобайнида қилинмаган ишлар амалга оширилди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда туб бурилишларга эришилди. Жамият тубдан янгиланди, турмуш тарзи кескин ўзгарди. Бу энг аввало, одамларнинг тафаккур тарзида, дунёқарашида, замонавий цивилизация билан ҳамоҳанг тарзда фикрлай олиш салоҳиятида намоён бўлмоқда. Мустақилликнинг энг катта қадрияти ҳам аана шунда. Президент И.А.Каримов ушбу маърузада ўтган 16 йил мобайнида жамият ва одамлар ҳаётида, давлат қурилиши ва бошқарув тизимида қонунчилик ва инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилган улкан ютуқлар ҳақида фикр юритади.

¹ Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 63 бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
“Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”
асари ҳақида қисқача
МАЪЛУМОТ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асари том маънода Ватанимизни ўз мустақиллигига эришиш жараёнини, тарихий буюк воқеликни ёритувчи манбавий асардир. Ушбу асар Президентимизнинг алоҳида асарлар таркибига киради. Ҳажми 440 бет, нашр табоғи 19,56 ёки шартли 27,5 (440:16=27,5) босма табокдан иборат. Асар шу кунгача 6 марта ўзбек тилида крил ва лотин ёувида ва рус тилида 2011 йил декабр ойида нашр этилди.

Халқимиз ҳикматларидан бирида **“Тоғнинг салобати ундан қанчалик узоқлашганинг сари яхшироқ кўринади”** деганларидек, улуг ва азиз неъматимиз Мустақилликни ҳам тарихий аҳамияти, мазмун-моҳияти йиллар ўтган сари яққолроқ намоён бўлмоқда, бўй чўзмоқда. Узоқ сафарга чиққан сарбон ҳам карвон босиб ўтган йўлларига бир назар солади, сарҳисоб қилади. Шу маънода Президентимизнинг ушбу асари бундан 20 йил олдин қўлга киритилган, эришилган буюк воқеликни, мустақиллик оstonаси тарихини ўрганишга қаратилган.

Асарда 3000 йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган Ватанимиз шонли тарихининг бир парчасини хронологик равишда ёритиб беради. Воқеалар жараёни 1989 йил 24 июндан то 1992 йил 5 январгача бўлган даврни қамраб олиб 2 йилу 3 ойу 2 ҳафтаю 2 кунни, ёки 825 кунни, ёки 27,5 ойни ташкил этади.

Ҳар бир гўшани уйни Ватанни оstonаси бўлади. Бу ҳолат тарихий даврларга ҳам тегишли, жумладан мустақилликка ҳам. Шу маънода Президентимизнинг ушбу навбатдаги фундаментал асари мустақиллик оstonасидаги воқеалар ривожига ва тафсилотига қаратилади.

Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асари тарихий-хронологик ҳужжатли асардир. Унинг таркиби сўз боши, 35 асарлар ва 11 турдаги ҳужжатлар мажмуасидан иборат. Асар: сўз боши, нутқлар, маърузалар, декларация, табрик, ахборотлар, мухбирлар саволларига жавоблар, фармонлар,

мурожаатлар, қонун, қарор ва Президент қасамёдидан иборат. Жумладан:

1.Нутқлар: (12 та)

1.Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди. *Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фаргона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган Кенгашда сўзлаган нутқдан. 1989 йил 24 июнь. (32 бет).*

2.Жамиятни янгилаш учун курашаётган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур. *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўзлаган нутқдан. 1989 йил 19 август. (46 бет).*

3.Тил элни бирлаштириши лозим. *Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида сўзланган нутқдан. 1989 йил 25 октябрь. (66 бет).*

4.Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. *Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқдан. 1989 йил 28 ноябрь. (72 бет).*

5.Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак. Тошкент шаҳри фаоллари йиғилишида сўзланган нутқдан. *1990 йил 20 январь. (96 бет).*

6.Халқ иродаси билан танланган йўл. Ўн иккинчи чақириқ *Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида сўзланган нутқдан. 1990 йил 24 март. (149 бет).*

7.Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги хусусида. *1990 йил 21 июнь. (234 бет).*

8.Мураккаб вазиятда оқилона сиёсат юритайлик. *Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида сўзланган нутқ. 1991 йил 15 февраль. (275 бет).*

9.Мустақиллик - энг аввало халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигидир. Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида сўзлаган нутқ. *1991 йил 27 март. (306 бет).*

10.Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлишига аминман. *Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида сўзлаган нутқ. 1991 йил 12 июнь. (330 бет).*

11.Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади. Ўн иккинчи чақириқ *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзланган нутқ. 1991 йил 31 август. (393 бет).*

12. Навоий руҳи мададкор бўлғай. Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан барпо этилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида сўзланган нутқ. *1991 йил 1 октябрь.* (410 бет).

2. Маърузалар: (5 та)

1. Одамлар биздан амалий ишлар ва аниқ натижаларни кутмоқда. Тошкентда СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда сўзланган маърузадан. *1990 йил 24 февраль.* (125 бет).

2. Ўзбекистонда Президент институтининг жорий этилиши тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март пленумларининг яқунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги маърузадан. *1990 йил 24 март.* (147 бет).

3. Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзлаган маърузадан. *1990 йил 5 июнь.* (63 бет).

4. Халқимизнинг фикри - биз учун олий мезон. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумидаги маъруза. *1991 йил 28 август.* (372 бет).

5. Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясидаги маъруза. *1992 йил 4 январь.* (425 бет).

3. Декларация: (1 та)

1. Мустақиллик Декларацияси. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган. *1990 йил 20 июнь.* (231 бет).

4. Табрик: (1 та)

1. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман иштирокчиларига. *1990 йил 14 сентябрь.* (249 бет).

5. Ахборотлар: (2 та)

1. “Бобурнома”нинг 460 йиллиги байрамига ташриф буюрган меҳмонлар қабул қилингани тўғрисида ахборот. *1990 йил 26 октябрь.* (252 бет).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессияси ҳақида ахборот. *1992 йил 5 январь.* (422 бет).

6.Саволларга-жавоблар: (6 та)

1. Ҳаммасига ўзимиз эришмоғимиз зарур. «Известия» газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. *1991 йил 29 январь.* (254 бет).

2. Иқтисодий омиллар амал қилса, “темир қўлга” ҳожат қолмайди. “Правительственный вестник” ҳафтаномаи мухбири саволларига жавоблар. *1991 йил 2 февраль.* (266 бет).

3. Бизни капитализмдан сакраб ўтишга ўргатишган. «Комсомольская правда» газетаси мухбири саволларига жавоблар. *1991 йил 7 март.* (285 бет).

4. Ўзбекистон фақат иқтисодиётда эмас, бошқа соҳаларда ҳам дадил қадамлар қўймоқда. “Ди Цайт” немис ҳафтаномаи саволларига жавоблар. *1991 йил 12 март.* (292 бет).

5. Демократия - қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир. «Рабочая трибуна» газетаси мухбири саволларига жавоблар. *1991 йил 4 июль.* (344 бет).

6. Ҳиндистонга меҳр билан. “Таймс оф Индия” газетаси мухбири саволларига жавоблар. *1991 йил 16 август.* (358 бет).

7.Фармонлар: (3 та)

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони. Республикада Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида. *1991 йил 12 февраль.* (272 бет).

2. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони. *1991 йил 25 август.* (370 бет).

3. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони. КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки тўғрисида. *1991 йил 29 август.* (392 бет).

8.Мурожаатлар: (2 та)

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти Ислон Каримовнинг Республика аҳолисига мурожаати. *1991 йил 20 август.* (365 бет).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Фуқароларига мурожаати. *1991 йил 3 декабрь.* (414 бет).

9.Қонун: (1 та)

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида. *1991 йил 31 август.* (405 бет).

10.Қарор: (1 та)

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Адабиёт илмгоҳига Алишер Навоий номини бериш тўғрисида. *1991 йил 19 сентябрь*. (409 бет).

11.Президент қасамёди: (1 та)

1. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов Қасамёди. *1992 йил 4 январь*. (424 бет).

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарида
фойдаланилган:

Мақоллар:

1. “Сен-менга тегма, мен-сенга тегмайман” (8)
2. “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун баракаси қочади” (68)
3. “Киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди” (69)
4. “Тирноқни этдан ажратиб бўлмайди” (117)
5. “Қош қўяман деб, кўз чиқарилган” (122)
6. “Сарагини саракка, пучагини пучакка” (139)
7. “Экканингни оласан” (141)
8. “Кулгининг таги зил” (145)
9. “Отанга бор, онанга бор” (145)
10. “Об-ҳавога қараб иш юритиш” (178)
11. “Гап кўп-у, кўмир оз” (220)
12. “Оқни-оқ, қорани-қора дейиш керак” (227)
13. “Бирлашган ўзар” (284)
14. “Сўз бошқа-ю, иш бошқа” (288)
15. “Кўрпага қараб оёқ узатиш” (313)
16. “Хамир учидан патир” (316)
17. “Зар кадрили заргар билади” (328)
18. “Ўзи - хон, кўланкаси - майдон” (333)
19. “Тугурт чакса, хўли қуруқ баробар ёниш” (336)
20. “Мевали дарахтга тош отишади” (356)
21. “Етти ўлчаб бир кес” (373)

Шиор:

Инсон-жамиятга, жамият-инсонга ҳамнафас (229)

Китоб номлари:

“Китоб ал-жомеъ ас-Саҳиҳ”

“Бобурнома”

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарининг
ХРОНОЛОГИЯСИ

-1989 йил 24 июнь *Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашига замоннинг ўзи йўл қўймайди.* Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган Кенгашда сўзлаган нутқ

-1989 йил 19 август *Жамиятни янгिलाш учун курашаётган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур.* Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўзлаган нутқ

-1989 йил 25 октябрь *Тил элни бирлаштириши лозим.* Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида сўзланган нутқ

-1989 йил 28 ноябрь *Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик.* Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқ

-1990 йил 20 январь *Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак.* Тошкент шаҳри фаоллари йиғилишида сўзланган нутқ

-1990 йил 24 февраль *Одамлар биздан амалий ишлар ва аниқ натижаларни кутмоқда.* Тошкентда СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда сўзланган маъруза

-1990 йил 24 март *Ўзбекистонда Президент институтининг жорий этилиши тўғрисида.* КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март пленумларининг якунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги маъруза

-1990 йил 24 март *Халқ иродаси билан ТАНЛАНГАН йўл.* Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида сўзланган нутқ

-1990 йил 20 июнь *Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан.* Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезднда сўзлаган маъруза.
1990 йил 5 июнь

-1990 йил 20 июнь *Мустақиллик декларацияси.* Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган

- 1990 йил 21 июнь Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги хусусида
- 1990 йил 14 сентябрь Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман иштирокчиларига
- 1990 йил 26 октябрь “Бобурнома”нинг 460 йиллиги байрамига ташириф буюрган меҳмонлар қабул қилингани тўғрисида ахборот
- 1991 йил 29 январь Ҳаммасига ўзимиз эришмоғимиз зарур. «Известия» газетаси мухбирининг саволларига жавоблар
- 1991 йил 2 февраль Иқтисодий омилар амал қилса, «темир қўлга» ҳожат қолмайди. «Правительственный вестник» ҳафтаномаси мухбири саволларига жавоблар
- 1991 йил 12 февраль Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони. Республикада Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида
- 1991 йил 15 февраль Мураккаб вазиятда оқилona сиёсат юритайлик. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида сўзланган нутқ
- 1991 йил 7 март Бизни капитализмдан сакраб ўтишига ўргатишган. «Комсомольская правда» газетаси мухбири саволларига жавоблар
- 1999 йил 12 март Ўзбекистон фақат иқтисодиётда эмас, бошқа соҳаларда ҳам дадил қадамлар қўймоқда. “Ди Цайт” немис ҳафтаномаси саволларига жавоблар
- 1991 йил 27 март Мустақиллик - энг аввало халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигидир. Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари курултойида сўзлаган нутқ
- 1991 йил 12 июнь Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлишига аминман. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида сўзлаган нутқ
- 1991 йил 4 июль Демократия - қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир. «Рабочая трибуна» газетаси мухбири саволларига жавоблар
- 1991 йил 16 август Ҳиндистонга меҳр билан. “Таймс оф Индия” газетаси мухбири саволларига жавоблар
- 1991 йил 20 август Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти Ислom Каримовнинг Республика аҳолисига мурожаати
- 1991 йил 25 август Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

- 1991 йил 28 август *Халқимизнинг фикри - биз учун олий мезон. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумидаги маъруза*
- 1991 йил 29 август *Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони. КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки тўғрисида*
- 1991 йил 31 август *Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзланган нутқ*
- 1991 йил 31 август *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида*
- 1991 йил 19 сентябрь *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг адабиёт илмгоҳига Алишер Навоий номини бериш тўғрисида*
- 1991 йил 1 октябрь *Навоий руҳи мададкор бўлғай. Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан барпо этилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида сўзланган нутқ*
- 1991 йил 3 декабрь *Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Номзод Ислон Каримовнинг Ўзбекистон фуқароларига мурожаати*
- 1992 йил 4 январь *Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов қасамёди*
- 1992 йил 4 январь *Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясидаги маъруза*
- 1992 йил 5 январь *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессияси ҳақида ахборот*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
“Аждодларимизнинг бебаҳо мероси-абадиятга дахлдор маънавий
хазинадир”

мазусидаги нутқининг қисқача
МАЗМУНИ

(Самарқанд шаҳрида 2014 йил 15-16 май кунлари “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилишида сўзлаган нутқи)

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳридаги Қабуллар уйида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда дунёнинг 50 га яқин мамлакатлардан 50 дан ортиқ етук олимлар иштирок этишди.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва “Аждодларимизнинг бебаҳо мероси-абадиятга дахлдор маънавий хазинадир” мазусидаги нутқ сўзлади.

Президенти Ислом Каримовнинг “Аждодларимизнинг бебаҳо
мероси-абадиятга дахлдор маънавий хазинадир”

мазусидаги нутқи

Президент Ислом Каримовнинг ушбу анжуманда сўзлаган нутқини шартли равишда: **-Кириш,**

-буюк мерос ва буюк алломалар,

-анжуман келган дунёнинг етук олимлари,

-интеллектуал салоҳиятга баҳо,

-мамлакатимиз таълим тизими ва

-Хулоса қисмларга бўлиш мумкин. Жумладан:

Нутқнинг **Кириш** қисмида:

Самарқанд шаҳрининг 3000 йиллик тарихи, унинг афсонавий шаҳар ва Рим шаҳри билан бир қаторда “абдий шаҳар” номи билан дунёда ном олганлиги, Президентимизнинг ўзи шу шаҳарда туғилиб-ўсган, вояга етган инсон сифатида меҳмонларга “Азим Самарқандга хуш келибсиз!”-деган қутловидан иборат. Шунингдек, анжуманнинг мақсади: “Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳофаза

қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо беришдан иборат”, эканлиги айтилади.

Нутқнинг **буюк мерос ва буюк алломалар** қисмида:

-илм-фан тараққиётини иқтисодий тараққиёт ҳамда барқарорлик билан боғлиқлиги,

-Марказий Осиё маданиятининг ривожланиш омиллари: қадимги бактрия, суғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар,

-XI-XIV асрларда асос солинган Хоразм давлати,

-Милодгача бўлган даврдан милодий XV асрга қадар қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини бажаган Буюк Ипак йўли эканлиги, унинг ипак, чинни буюмлар, порох, қоғоз ва бошқа кўплаб маҳсулотларни тез тарқалишидаги ўрни, Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей ва антик давр буюк алломаларнинг илмий асарларини тарқалишида аҳамияти,

-Хивада ташкил этилган Маъмун академияси, Бағдоддаги “Байтул ҳикма” ва Самарқанддаги Мирзо Улуғбек илмий мактабининг аҳамиятига эътибор қаратилди. Шундан сўнг, Марказий Осиёлик 10 нафар буюк илмий кашфиётчилар фаолиятига алоҳида баҳо берилади. Улар:

- Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий;

- Аҳмад Фарғоний;

- Абу Наср ибн Ироқ;

- Абу Райҳон Беруний;

- Абу Али ибн Сино;

- Абу Наср Форобий;

- Мирзо Улуғбек;

- Ал-Коший;

- Маҳмуд Қошғарий;

- Маҳмуд Замахшарий.

Бундан ташқари бу қисмда умумий тарзда: Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон, Амир Темур, Қозизода Румий, Али Қушчи, Коперник, Жордано Бруно, Галилей, Абу Абдуллох Рудакий, Фирдавсий, Низомий Ганжарий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Аҳмад ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофиз Аббас, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий каби 23 нафар улуғларни номлари ҳам зикр этилади.

Нутқни **анжуманга келган дунёнинг етук олимлари** қисмида:

Анжуманга келган 9 нафар олимнинг илмий фаолиятига баҳо берилган. Улар:

- Като-япониялик тарихчи, этнограф, археолог ва санъатшунос.
- “Дўстлик” ордени соҳиби;
- Фредерик Стар– америкалик тарихчи, археолог, антрополог;
- Мансура Ҳайдар-ҳиндистонлик тарихчи;
- Пак Чун-Бэ-корейлик аэронавт;
- Магида Махлуф-мисрлик филолог ва туркшунос;
- Юль Янссенс-белгиялик тарихчи ва файласуф;
- Ши Юнли-хитойлик тарихчи ва археолог;
- Марк Боннел-франциялик врач;
- Роберт ван Гент-голландиялик тарихчи.

Нутқни **интеллектуал салоҳиятга баҳо** қисмида:

- интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар кандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асоси эканлиги;
- улуғ испан адиби Сервантеснинг, “Тарих-фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун эса огоҳлантиришдир”, деган ҳикматининг аҳамиятига;
- тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажagini тассаввур қилолмаслигига,
- интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсиши учун буюк сармояларни киритиш лозимлигига;
- “XXI аср – билим ва интеллектуал тафаккур асри” деган фикр бежиз айтилмаганлигига;
- “Энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оклайдиган сармоя – бу инсон капиталига йуналтирилган сармоядир” деган ҳақиқат эканлигига эътибор берилган.

Нутқни **мамлакатимиз таълим тизими** қисмида:

- Ўзбекистонда бугун яшаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши;
- Мамлакатимиз таълим тизимида 9+3 схемаси, 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилиши;
- юртимизда замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та коллеж ва лицейлар барпо этилганлиги;
- мамлакатимизда мустақиллик йилларида олий ўқув юртлари сони 2 марта ошиб, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқдалиги;
- минглаб иқтидорли ёшларимиз вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқдалиги;

-мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этишлиги ва бу соҳада жаҳонда олдинги ўринлардан бирида туришлигимиз айтилган.

Нутқни **Хулоса** қисмида:

-ўрта асрлар Шарқи буюк алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва амалда оммалаштиришга бағишланган ушбу конференцияни ўтказиш ўта муҳимлиги ва мақсадга мувофиқ эканлиги айтилди.

-нафақат “Биз буюк аجدодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак” балки ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшишлигимиз лозимлиги таъкидланди.

-фақат Самарқанд ва Тошкентда эмас, меҳмонларни мозий гавҳари бўлган Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бизнинг буюк тарихимизни, қадимий цивилизация ютуқларини асраб-авайлаб келаётган бошқа шаҳарларимизда ҳам бўлишликка таклиф этиб, анжуман ишига муаффақият тилади.

Ушбу Президентимиз нутқи Марказий Осиё мутафаккирларининг тарихий меросларини ўрганишнинг аҳамияти ва тарих илми ҳақида айтилган энг аҳамиятли, ҳамда қимматли нутқларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
**“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат
қилиш - энг олий саодатдир”**
асари ҳақида қисқача
МАЪЛУМОТ

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асари ҳар бир юрт фарзандининг, жумладан гарчи давлат раҳбарининг ҳам юрт корига яраши, унинг бугуни ва истиқболи учун хизмат қилиши энг улуғ ва олий саодат, мақсад саналади. Ушбу асар Президентимизнинг алоҳида асарлар таркибига киради. Ҳажми 304 бет, нашр табоғи 15 ёки шартли 19 ($304:16=19$) босма табокдан иборат.

Халқимиз ҳикматларида **“Юрт деса, югуриб ишла”, “Элга хизмат - олий ҳиммат”** деб айтилганидек, ушбу асар халқ хизматида бўлиш мавзусига бағишланган.

Ҳар бир инсонни чексиз-чегарасиз орзу мақсадлари бўлади. Улардан бири юрт корига яраш. Бу ният-орзу ҳатто, давлат раҳбарларига ҳам тегишли. Шу маънода Президентимизнинг ушбу навбатдаги фундаментал асари юрт хизмати – энг олий саодатдир мавзусининг тафсилотига қаратилади.

Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асари ижтимоий-фалсафий асардир. Унинг таркиби сўз боши, 22 фасллардан: битта маъруза, битта нутқ, битта мухбирлар саволларига жавоблар ва 12 мавзуда келтирилган 292 та ихтибослардан иборат.

Асарнинг яратилиш сабаблари:

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан бўлиб ўтган сайлов олди учрашувлардаги маърузалари нашр этилмасдан, улар ҳақида оммавий ахборот воситаларида қисқача ахборотлар берилди, холос.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳозирги ва келгуси ҳаётига бевосита дахлдор бўлган муҳим концептуал фикрлар, ғоя ва қарашлар илгари сурилган; биз учун янги тарихимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб қоладиган ана шу нутқ ва маърузаларни атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш, кенг жамоатчиликка, авваламбор, ёшларимизга етказиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ушбу китобда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш, жумладан, ижтимоий соҳалар - таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, жамиятимизда аёллар, кексалар ва ёшларнинг ўрни, уларга янада қулай-шароит ва имкониятлар яратиш билан боғлиқ масалалар; ҳар бир ҳудуд ва минтақа бўйича яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган режалар, устувор лойиҳалар; қадимий ва янги тарихимиз ҳақида, собиқ советлар тузуми моҳиятини фош этадиган мисоллар, бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида бу тузумни тиклашга бўлаётган ҳаракатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлари ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Асарнинг бош ғояси:

“Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим”.

Таъкидлаш лозимки Президентимиз томонидан 2014 йилда илгари сурилган ушбу ғоя асарнинг бошидан охиригача бир ип мисол ўтиб туради.

Асарнинг тарихи ва таркибий тузилиши:

Давлатимиз раҳбарининг нисбатан қисқа вақт 4 ой, 17 ҳафта. 118 (18) кун давомида йигирмадан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан,

1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан (12.01.2015),

2. Сенати аъзолари билан (22.01.2015),

3. Олий Мажлис иккала палатасининг қўшма мажлисида (23.01.2015),

4. Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида (16.01.2015),

5. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида (24.02.2015),

6. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездида (04.03.2015),

7. Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари вакиллари билан (26.02.15), вилоятлар:

8. Андижон вилояти сайловчилари вакиллари билан (10.03.2015)

9. Бухоро вилояти сайловчилари вакиллари билан (27.02.2015)

10. Жиззах вилояти сайловчилари вакиллари билан (05.03.2015)

11. Навоий вилояти сайловчилари вакиллари билан (27.02.2015)

12. Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан (11.03.2015)

13. Самарқанд вилояти сайловчилари вакиллари билан (02.03.2015)

14. Сирдарё вилояти сайловчилари вакиллари билан (05.03.2015)

15. Сурхондарё вилояти сайловчилари вакиллари билан (20.02.2015)

16. Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан (16.03.2015)

17. Фарғона вилояти сайловчилари вакиллари билан (11.03.2015)

18. Хоразм вилояти сайловчилари вакиллари билан (26.02.2015)

19. Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан (19.02.2015)

20. Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан (17.03.2015) учрашувларда нутқлари,

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимидаги нутқи (10.04.2015),

22. 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари билан (09.05.2015) савол-жавоблардан тузилган.

Энди **асарнинг мундарижаси** бўйича мазмун-моҳиятни ёритишга ўтамиз:

- Сўз боши

- Бизнинг мақсадимиз - эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездидаги маъруза)

- Мустақиллик - тоғдек таянчимиз, қудратли заминимиздир

- Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?

- Сайлов - демократиянинг олий шаклидир

- Тарих - бамисоли кўзгу

• “Ўзбек модели” - амалда ўзини оқлаган, ёруғ - истиқболимизни белгилаб берган тараққиёт йўли

• Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади

• Ободлик кўнгилдан бошланади

• Замонавий раҳбар доимо олдинга интилиб яшаши керак

• Кексалар-хонадонларимизнинг файзу фариштаси

• Аёл бахти жамият бахти

• Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт

• Халқимизга тинчлик ва омонлик керак

• Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан иборат.

Сўз бошида:

2015 йил 29 март кун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтгани, сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 90,39 % овоз олиб ғалаба қилганлиги, давлатимиз раҳбарининг қисқа 2-3 ой давомида сайловчилар билан 20 дан ортиқ учрашувлар ўтказгани ва уларда сўзлаган нутқларида илгари сурилган ғоялар янги тарихимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб қолишлиги, тараққиёт фалсафасини ифода этишлиги ва тўпламни бош ғоясини кенг жамоатчиликка етказиш зарурият эканлиги каби жиҳатлар таъкидланган.

ЎзЛиДеПнинг VII съездидаги маърузада:

Партия аъзоларининг сони 240 минг кишидан ошганлиги, сайловда номзолардан 52 нафари Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлигига сайлангани, “ўзбек модели” том маънода тарихий ютуғимиз бўлгани, қашшоқ ўлкадан ривож топаётган мамлакатга айланиб бораётганимиз, бунда биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик, деган саволни ўзимизга беришимиз кўп нарсга ёққол намоён бўлиши ва олдимизда турган 9 устувор вазифалар белгилаб берилган:

Биринчидан, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш;

Иккинчидан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожига эркинлик бериш, мамлакатимизда 56 % ана шу соҳага тўғри келиши, аҳолининг 75 % шу тармоқда меҳнат қилиши қайд этилган;

Учинчидан, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини камайтириш;

Тўртинчидан, ирригация ва мелорация ишларини яхшилаш, миллион 700 минг га суғориладиган ерларнинг мелоратив ҳолати яхшилангани, Андижон, Косонсой, Чортоқ, Ўрта Чирчиқ, Ўзбекистон, Бувайда туманларида пахта майдонлари камайтгани, асака, Янгийўл ва Жомбой туманларида пахта экишдан воз кечилган.;

Бешинчидан, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, улар ҳозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 90-92 % бермоқда;

Олтинчидан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Ўзбекистон 27 та русумдаги юк ва енгил автомобиллар, 15 турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқмоқда;

Еттинчидан, инвестиция жараёнини кучайтириш, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиётига 190 миллиард доллардан ошiq инвестициялар йўналтирилган, шундан 65 миллиарди хорижий инвестициялардир. Устюрт газ-кимё мажмуасига Жанубий Корея компаниялари 4 миллиард 200 миллион долларлик инвестиция киритган;

Саккизинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш. Ҳар йили бир миллион иш ўринлари яратилади. Унинг 60 % қишлоқ жойларда;

Тўққизинчидан, аҳолини турмуш даражасини ошириш. Ўзбекистонда ҳар иккинчи оила шахсий автомобилга эга. (7.1 мил. оила бор). Уй-жой билан таъминлаш бир кишига 12,4 кв\м.дан 15,4 кв\м.га ошди.

Бизнинг эзгу мақсадимиз-демократик ва фуқоролик жамияти, - барқарор иқтисодиёт, ҳалқаро майдонда ҳурмат қозониш қисқа вақтда эришадиган нарсас эмас.

Президентимиз ўз маърузасини: “Такрор-такрор айтишга тўғри келади - фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишда улкан ва қудратли замин бўлишига аминман.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш - барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир”(66) сўзлари билан тугатади.

Мустақиллик ҳақида:

-Кимки мустақиллик йилларида Ўзбекистон қўлга киритган муваффақиятларни кўрмоқчи бўлса, аввало одамларнинг, ҳалқимизнинг юзига, кўзига қарасин. Мактаб, лицей ва коллежларда таълим-тарбия олаётган болаларнинг чехрасига боқсин. (71)

-Мустақилликка, сиёсий мустақилликка эришиш учун, авваламбор, иқтисодий мустақилликка эришиш керак. (74)

-Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран бир туйғуки, у фақат она сути билан кириши ва жон билан чиқиши мумкин. (75)

-Озодлик, эркинлик ҳавосидан тўйиб нафас олган одам ҳеч қачон қулликка кўнмайди, қулликка қайтмайди. (75)

-Ўзбекистон-келажаги буюк давлат. Бу замин оддий юрт эмас, Оллоҳнинг назари тушган юрт. (76)

Ким эдигу ким бўлди? ғояси:

-Мамлакатимиз эришган ютуқларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун бугунги ҳаётни кечаги ҳаёт билан солиштириб кўриш керак. Шундан кейин одам бугунги ҳаётнинг қадрига етади. Юртимиздаги мислсиз ўзгаришларни ўз ҳаёти, оиласи, қишлоғи, мактаби, ишхонаси мисолида кўрган кишига ўтган кунлар билан бугунги куннинг фарқи ҳамда афзалликлари тўғрисида ташвиқот юргизишга ҳожат қолмайди. (79)

-Ўзбек халқи ҳамиша ўз олдига буюк мақсадларни қўйиб яшаган ва эзгу орзу-умидларига эришиш йўлида ҳеч қачон ўз йўлидан қайтмаган. (84)

- ... яна бир бор такрорлашни истардим: ёш авлод - бизнинг келажагимиз, уларга ҳар томонлама пухга таълим-тарбия берсак, Ватанимизнинг келажагини, унинг келгуси тараққиёти ва равнакини таъминлаган бўламиз. Болаларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлса, бизнинг бошка армонимиз қолмайди. (85-86)

-мустақилликнинг илк йилари Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага 700 минг га суғориладиган ер томорқа сифатида берилган. Совет ҳокимияти 70 йилда 300 минг га ер берган. (89-90)

-Шахсан мен бутун ҳаётимни, бутун умримни халқимизнинг озодлигига. Ватанимиз мустақиллигига бағишладим ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмайман. (95)

Сайлов ҳақида:

-Конституциямизда энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш

мақсадида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жамиятимизда кенг қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади. (100)

-Сайлов дегани - танлаш деганидир. (101)

-Демократия-инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. (103)

-Сайлов-бу биз қураётган ҳуқуқий демократик давлатнинг узвий бир қисми, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий шаклидир.

Содда қилиб айтганда, сайлов - бу, аввало, эркин танлаш ҳуқуқи демакдир...

Сайлов-бу демократия дегани, демократия - бу сайлов деганидир. (105)

Тарих ҳақида:

(ушбу фаслда 20 та ихтибослар келтирилган бўлиб, куйида уларнинг барчаси келтирилмоқда)

Тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ. 109

* * *

Ахборот-коммуникация технологиялари, математика, физика, кимё, саноат, менежмент - буларнинг ҳаммаси керак, албатта. Лекин, авваламбор тарихни билиш - бу ҳаётий зарурат.

Ҳаётни билиш, биз қайси асрда яшаётганимизни англаш - бу ҳаммамизнинг бурчимиз. Яъни, ҳаётдан оёғи узилган, реал воқеликдан узоқлашган одам ҳеч қачон ўз мақсадларига эриша олмайди. Ерда яшайдиган одамнинг ҳаёти шу замин, мана шу тупроқ билан боғлиқ бўлиши керак, у шу тупроқни кўзига суриб, унинг эртанги кунини янада обод қилишга ҳаракат қилиб яшаши зарур. 109

* * *

Бугун юртимизда кечаги кунни эсламайдиган, аجدодларини, боболарини ёдга олмайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан. Дунё тарихида қудратли салтанат яратган соҳибқирон Амир Темур бобомиз, ўз ақл-заковати, улкан илмий салоҳияти билан жаҳон тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз билан ким фахрланмайди дейсиз? Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда

дунёнинг 50 мамлакатидан келган атоқли олимлар бу тарихий меросни бутун инсоният манфаати йўлида биргаликда ўрганиш, уни тарғибу ташвиқ қилиш, амалий ҳаётда янада кенг қўллаш кераклигини алоҳида таъкидлагани, айтинглар, ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишламайдими?

Биз кўпинча бу борада ҳам камтарлик қиламиз. Лекин менинг тилагим, истагим шуки, бу ҳақда кўпроқ гапириш, меросимизни кўпроқ ва чуқурроқ ўрганиш керак. Буюк аждодларимизни, ота-боболаримизни эслаш дегани - бу ўзимизга тан бериш деганидир. Мен ана шундай фикрдаман. Ўзимизга тан берадиган бўлсак, авваламбор, биздан олдин ўтган аждодларимизга тан берайлик. Улар қандай инсонлар эди, қандай ҳаёт кечирган, ўзидан қандай ном қолдирган эди, деган саволлар ҳақида ўйлаш лозим. Шу ўринда доғистонлик машҳур шоир Расул Ҳамзатовнинг, агар сен ўзингдан олдин ўтганларни милтиқ билан отадиган бўлсанг, авлодларинг сени замбаракдан ўққа тутади, деган мазмундаги фикри ёдимга тушди. Бу гапда ҳақиқатан ҳам чуқур маъно бор.

Шу борада яна бир фикрга эътибор беришингизни истардим. Фашизмга қарши жангга кирган бизнинг ота-боболаримиз қандайдир бир тепалик ёки қайсидир бир “улуғ доҳий” учун жон бермаган. Ўзбек ўғлонлари, авваламбор, ўзи туғилган шаҳар ва қишлоқни, ўз она юртини, ўз яқинларини, меҳрибон отаси ва онаси, севиқли ёри, жондан азиз фарзандларини кўз олдига келтирган ҳолда беомон жангга кирган, шу муқаддас Ватанимиз учун жонини фидо қилган. 109-110

* * *

Мен Иккинчи жаҳон урушида ёвуз душман билан рўбарў бўлиб, даҳшатли жангга кирган аскарларимиз ўша лаҳзаларда нимани ўйлаган, уларнинг ҳаёлидан қандай фикрлар, кечинмалар ўтган экан, деб ўзимга кўп савол бераман, оғир бўлса-да, уларнинг руҳий ҳолатани, ўй-хаёлларини ўзимга тасаввур этишга ҳаракат қиламан. Ана шунда “Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам, уларни бағримга боссам”, деб ўйлаган ўғлонлар кўз ўнгимда гавдаланади. Мен аминманки, улар айнан шундай ўйлаган, авваламбор, ўз юртини эслаб, азиз инсонларини яна бир марта кўрсам, деб жон берган. 111

* * *

Илгари мактабларда Ўзбекистоннинг ҳақиқий тарихи ўргатилмас эди. Ўтган асрнинг 17-йилидан бошлаб ёзилган тарих китоблари ёлғон ғоялар асосида яратилгани сир эмас.

Тошкент шаҳрида Қатағон қурбонлари хотираси музейини очганимиздан хабарингиз бор. Мақсад - одамлар ҳақиқий тарихни билсин. Лекин мана шу яқин ва узоқ тарих ҳақидаги ҳақиқатни ёзишга, уни фарзандларимизга етказишга интиладиган фидойи одамлар, афсуски, жуда кам. Совет давридаги зулм ва қўрқувга асосланган мафкура, сиёсатнинг таъсири бизнинг қон-қонимизгача сингиб кетган, ичимиздаги қўрқоқлик ҳали ҳам, таассуфки, тўлиқ барҳам топгани йўқ.

Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиниқ бир кўзгу. Унга қараб сабоқ оламиз, хулоса чиқарамиз, келажак йўлини белгилаймиз. 111-112

* * *

Мен ҳар доим мустабид совет тузуми, ўша замонда халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида кўпроқ ёзинглар, деб, тарихчи ва ёзувчиларимиздан илтимос қиламан. Уша даврда яшаган, унинг барча кирдикорларини ич-ичидан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташланди, қанчаси қамокда ўлиб кетди. Аммо ўша замонни ёшларимиз билиши учун бизга кўпроқ китоблар, дарсликлар зарур.

Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қуроллантиради.

Тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тутилиши керак. Сохта тарих бамисоли огу каби инсонни заҳарлайди, унинг онгу дунёқарашини чалғитади. 112

Эски тузум даврида биз ўз тарихимизни билмас эдик. Кўзимиз бамисоли кўр эди. Бутун олам юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладиган буюк аждодларимизни танимас эдигу, сохта “дохий”лар ҳаётини - қачон, қаерда туғилган, нима кароматлар кўрсатган - билар эдик, тўғрироғи, ёдлаб олган эдик. Уларни бобомиз, отамиз, деб сиғинар эдик. Бу, айнан истибдод ва қуллик даври эди. Нафақат моддий жиҳатдан ночор эдик, энг ёмони, ор-номусимиз топталган, қадрият ва анъаналаримиз оёқости қилинган эди. Бир сўз билан айтганда, қорнимизга эмас, қадримизга йиғлайдиган бир давр эди. 113

Алгоритм, алгебрага асос солган Хоразмий бобомизни билмас эдигу, Пётр Биринчини ҳаммамиз билишимиз шарт эди.

Мен Қашқадарёда обком секретари бўлиб ишлаганда ўзбек халқига нисбатан қандай адолатсизлик қилингани, қанча-қанча одамлар бундан жабр кўрганига ўзим гувоҳ бўлганман. Жиззахда ҳам худди шундай воқеалар бўлган. Ўша даврнинг ҳақиқий қиёфасини болаларимизга албатта етказишимиз керак, уларнинг кўзини ҳақиқатга очиб беришимиз керак. Токи улар яхшини ёмондан, оқни қорадан ажрата оладиган, ҳамиша огоҳ ва сергак яшайдиган бўлсин. Бу бизнинг энг катта бурчимиз.

Ҳозирги тўкинлик, серобчилик осмондан тушмаганини ҳам болаларимизга тушунтиришимиз лозим. 113

* * *

Ўзликни англаш дегани - бу ўз тарихимизни, мингминг йиллик анъаналаримизни билиш дегани. Агарки ҳар қайси одам кечаги кунни яхши биладиган бўлса, ҳеч қачон аввалги хатосини яна такрорламайди.

Ўзингиз эсланг, бир вақтлар, коммунистик мафкуфа замонида миллий урф-одатлар, анъаналарни ривожлантириш у ёқда турсин, ҳатто жанозага бориш мумкин эмас эди. Қаранг, қандай оғир замон эди!

Бу ҳақиқатни болаларимизга тўғри тушунтириб берсак, тарих билан? ҳақиқат билан қуролланиб олсак, ҳаётимизни шундай тўғри йўлга қўямизки, унинг аниқ манзиллари барчага аён бўлади, бутун халқимизга куч-гайрат бағишлаб туради. Бу - эркин, озод, тинч ва барқарор, обод ва фаровон ҳаёт демакдир. 113-114

* * *

Инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг ўтмишини билмаса, хато қилади.

Биз кечаги тарихимизда рўй берган мудҳиш кунлар ҳақидаги маълумотларни ёш авлодга ўз вақтида етказсак, уларнинг онгида ҳеч қачон бўшлиқ пайдо бўлмайди. Бўшлиқ дегани шуки, кимлардир доим унинг ўрнини бир нарсa билан тўлдириш пайида бўлади ва қўйиб берсангиз, бундай “чаққон”лар истаганча топилади. Узининг эгри ниятига эришиш учун, керак бўлса, катта пул ишлатади, энг ёмони, муқаддас ислом динини бузиб кўрсатишга уриниб, ёшларимизни тўғри йўлдан чалғитишдан ҳам тоймайди. 114

* * *

Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк

цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи буни кўп-кўп мисолларда исботлаб беради. 114

* * *

“Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияни айнан Самарқанд шаҳрида ўтказганимиз бежиз эмас. Халқимизнинг буюк тарихи, бой маданияти, ноёб маънавий мероси ана шу анжуманда Америка, Европа қитъалари, Япония, Хитой каби дунёнинг 50 мамлакатидан келган атоқли олимлар томонидан яна бир бор эътироф этилиб, юксак баҳоланди. Конференция иштирокчилари томонидан бу тарихий меросни бутун инсоният манфаати йўлида биргаликда ўрганиш, уни тарғибу ташвиқ қилиш, амалий ҳаётда янада кенгроқ қўллаш кераклиги алоҳида таъкидланганидан барчангиз, албатта, хабардорсиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу мерос бутун дунёнинг мероси, яъни, Ватанимиз заминида яратилган бундай илмий, маданий бойликлар наинки Ўзбекистоннинг балки бутун инсониятнинг бойлигидир. Чет эллик меҳмонларимизнинг, “Инсон дунёнинг қаерида яшамасин, бу бойликларни, бу алломаларни билиши керак. Шундай мутафаккирларни вояга етказган халқ ҳар қандай юксак таҳсинга сазовор ва биз бу халқдан ана шундай кашфиётларни яна кутишга ҳақлимиз”, деган гаплари, айтинглари, ҳаммамизга гурур ва ифтихор бағишламайдими? 114-115

* * *

Мен ғурур ҳақида кўп гапираман. Негаки, ғурур ва ифтихор билан яшаш ўзликни асраш, бу дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан барчага тенг муносабатда бўлиш деганидир. Бундай ҳаёт тарзига ҳамма ҳам эришавермайди. Ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳроқибат, саховатпешалик каби кўплаб чин инсоний фазилатлари қаторида яна шундай улуғ хусусияти борки, у ҳеч қачон, ҳеч кимнинг олдида бош эгмаган. Буюк аждодларимизни, Амир Темур бобомизни эсланг, уларнинг ўғитларига кулоқ тутинг. Ҳар қайси одам - у қандай ёшда бўлмасин, қаерда ва қайси лавозимда ишlamасин - бошига қандайдир оғир иш ёки ташвиш тушганида, мен кимман, қандай буюк зотларнинг авлодиман, деган саволни ўзига берса, тўғри йўлни албатта топади. Бу саволга жавоб тариқасида қалбида беихтиёр ғурур ва ифтихор туйғулари пайдо бўлади. Албатта, биз бой тарихимиз,

улуғ аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тарихимиз - битмас-туганмас хазина, биз учун чексиз ғурур манбаи. 115-116

* * *

Юртимизда 90-йилларда юзага келган муаммонинг илдизи собиқ тузум даврига, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, пахта етиштириш энг катта мақсад саналиб, ҳатто одамларнинг ҳаёти ва саломатлигидан устун турган ўша мустабид замонга бориб тақалади.

Халқимиз ўша пайтда чидаб бўлмайдиган шундай азоб ва уқубатларга гирифтор этилган эдики, буни сўз билан ифодалашнинг ўзи қийин. Далада ишлаб юрган одамларнинг устидан самолётдан заҳарли дорилар сепилгани, қанча-қанча болалар сариқ касаллиги ва бошқа дарддарга йўлиққани бу залда ўтарганларнинг ҳали эсидан чиққани йўқ.

Ҳақиқат, тарих ҳақиқати болаларимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Тарих ҳақиқатини тўлалигича кейинги авлодга етказиш ҳар бир инсоннинг келажак олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади.

Ўша машъум кунларни кўрган кишилар, фахрийларимиз ҳаёт эканидан фойдаланиб, бу борада кўпроқ маълумот тўплаш, уларни тизимлаштириш устида ишлайдиган олим ва мутахассислар бўлса, мен бундай ташаббускор одамларни шу муқаддас заминни севган ватанпарвар, юртпарварлар деб қабул қиламан ва уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрман.

Инсоннинг табиати шундайки, вақт ўтиши билан ёмон воқеалар эсидан чиқади. Бир томондан қараганда, бу - тўғри. Чунки инсон бошидан кечирган бахтсизликларни, эзилган кунларини эслашни хоҳламайди. Лекин яхши кунлар, обод ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш учун инсон баъзи-баъзида ортга назар ташлаб туриши ҳам керак. Тарихдан сабоқ чиқариб яшаши лозим.

Мен, авваламбор, ёшларимизга қарата айтмоқчиман: ўқинг, тарихни ўрганинг, тарихини, ўтмишини билган одам келажакда адашмайди. 116-117

* * *

Тарихимиздаги оғриқли даврлардан ҳам хулоса чиқариб яшашимиз керак. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозим. Чунки ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодгина буюк давлат барпо этиши мумкин. Нега деганда, буюк давлат қуриш учун маърифатли, тарихни, ҳаётни чуқур биладиган, ундан сабоқ чиқара оладиган одамлар керак.

Авваламбор, Ватанини жонидан азиз кўрган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган насихатларини юрагимизга, қон-қонимизга, суяк-суягимизга мустаҳкам жо қилишимиз керак ва болаларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз даркор. 117-18

* * *

Дунёда ҳеч нарса тасодифан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг илдизи, томирида албатта қандайдир бир асос, замин бўлади.

Ҳеч қачон бўм-бўш жойда улуғ зотлар пайдо бўлмайди. Агарки қайсидир мамлакатда бир янги кашфиёт қилинибди, ноёб мутафаккир пайдо бўлибди, деб айтса, билиб қўйинглар, ўша ерда қадимий анъана, илмий мактаб бор. Илмнинг, ижоднинг замини бор жой албатта вақти келиб улуғ олимларни етиштириб беради. Бу, ўз навбатида, одамда миллий ғурур ҳиссини уйғотади. Минг афсуски, биз буюк инсонларни вақт ўтганидан кейин, улар ҳаётдан кўз юмганидан кейин тан оламиз. Ҳолбуки, уларни тириклигида қадрлашимиз керак. 118

* * *

Ўтган асрнинг 90-йилларида биз янги ҳаёт сари қандай қадам қўйдик? Қандай тузумдан воз кечдик? Бу тузум нима учун ўзини оқламасдан, ҳалокатга учради? Бу ҳақиқатни ёшларимизга ҳар томонлама чуқур очиб бериш лозим. Нега деганда, тарихий воқеаларнинг негизида нима борлигини, уларнинг моҳиятини тушунтириш учун уни яхши билиш керак. Ҳар қандай империя вақти келиб албатта йўқ бўлади. СССР ҳам, эртами-кечми, бир куни йўқ бўлиши аниқ эди. Бундай тузумнинг ҳеч қандай келажаги йўқ эди.

Мен кўпгина чиқишларимда тарихчиларга қарата, сизлар олим бўлсангиз, тарихни, тарихий воқеаларнинг асл моҳиятини тушунтириб беринг деб айтаман. Болаларимиз албатта, ҳақиқатни билиши керак. Вақт ўтади, замон ўтади, лекин ҳақиқат барибир қолади. 118-119

* * *

Тарихни унутган, ундан тўғри сабоқ чиқариб яшамайдиган халқ доимо йўлидан адашади. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деган гапнинг маъноси шунда. Шу нуқтаи назардан қараганда, яқин ўтмишимизда рўй берган воқеаларни одамларнинг, айниқса, ёшларнинг эсига солиб туриш керак, деб ўйлайман. 119

* * *

Бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади, бир вақтлар, яъни совет тузуми даврида яшаганимизда, қайси халқнинг тарихи

узоқ, қайси халқ энди-энди пайдо бўляпти, деган турли масалаларда тортишувлар бўларди. Бу борада тарихий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган, илмий жиҳатдан холис асосланмаган, миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизмининг ҳиди келиб турадиган қараш ва ёндашувлар зўр бериб одамларнинг қулоғига қуйилар эди. Эмишки, ўзбек халқи Октябрь инқилобига қадар саводсиз, маданиятсиз бир халқ бўлган. Фақат совет ҳукуматиғина унга илм ўргатган, маданиятини кўтарган эмиш. Бунинг учун биз коммунистик мафкурадан умрбод миннатдор бўлиб яшашимиз керак экан. Шу борада ортга қараб, яъни тарихга холис назар билан боқиб, бу борада бир хулосани айтмоқчи бўлсак, бизни камситиб ерга урмоқчи бўлганларга қарата атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом айтган сўзларни яна такрорлашни ўринли деб биламан. Яъни, сизларнинг аجدодларингиз, ота-боболарингиз ҳали дарахтга осилиб юрганида бизнинг халқимиз, аجدодларимиз инсоният тараққиётига бемисл ҳисса қўшган цивилизацияларни юзага келтирганлар, оламшумул кашфиётлар қилганлар. Хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, ибн синолар илм-фан ривожини белгилаб берган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Биргина Хоразм тарихини олиб қарайдиган бўлсак, шу мисолнинг ўзи ҳам кифоя қилади. Хоразм Маъмун академияси кўп нарсадан далолат беради. Уни бутун дунё тан олган, у ерда не-не буюк олим ва мутафаккирлар илм-фан билан машғул бўлган. Биз мустақиллик йилларида шу академияни янги асосда қайта тиклаганимиз, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда унинг 1000 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаганимиз Ватанимизнинг янги тарихидаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. Буларнинг ҳаммасини инобатга оладиган бўлсак, қани, айтинглари, бизнинг буюк миллат, улуғ халқ эканимизни исботлаш учун яна қандай далил керак?

Бу билан ғурурланишга, фахрланишга барчамиз ҳақлимиз, албатта. Айни пайтда аجدодларимизга муносиб бўлиш, бу ҳаётда ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмасдан, олдимизга катта мақсадларни қўйиб, ғурур билан яшашимиз лозим. 119-120

* * *

Илгари ҳам, ҳозир ҳам собиқ мустабид тузумни ёқлаб чиқаётганларнинг бирорта гапига ишониб бўлмайди. Биз бир пайтлар кўкларга кўтариб, мук тушиб сиғинган Ленин бобо, Сталин бобо ва бошқа “бобо”ларимиз ҳақиқатда ҳаммаси қаллоб ва жаллод бўлиб

чикди. Мана, сизга ҳақиқат. Масалан, Ленинни дунё халқларининг доҳийси, халоскори деб пионерлик, комсомоллик пайтимизда ашулалар айтганмиз. Мен ҳозирги ёш ўғил-қизларимизни кўриб хурсанд бўламанки, улар бундай ёлғон гаплардан мутлақо узоқ бўлиб вояга етмоқда. Ўша замонда энди мактабга борган бола аввал “октябрий” нишонини тақарди. Узингиз ўйланг, 6-7 ёшга кирган бола нимани билади? Бу ёшда бола фақат офтобни, очилган гулларни, умуман, атрофидаги оламни кўриб хурсанд бўлади. Онасини кўрса, байрам бўлса, қувонади.

У пайтлар шундай вазиятлар ҳам бўлардики, бир марта тўйиб овқатланишнинг ўзи бахт ҳисобланарди. Мен ёшлигимда буларнинг барчасини бошимдан ўтказганман. Ҳатто, шундай бўлганки, мактабда бир неча бор дарс пайти очликдан ҳолсизланиб, ухлаб қолганман. Бундай ҳолатлар ўша замонларни кўрган одамларнинг кўпчилигига бегона бўлмаса керак. Мен аниқ биламан, сизлар ҳам ёшлигингизда айти шундай қийинчиликларни бошингиздан ўтказгансиз. Яъни, ҳаммамизнинг тақдиримиз ўхшаш бўлган. Уша даврларда эрталаб очнаҳор дарсга чопардик, куч-қувват ҳам шунга яраша бўларди.

Бир сўз билан айтганда, биз шундай оғир замонларда яшаганмиз, кўпгина ноҳақликларни ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Сиёсат бошқача, ҳаёт бошқача эди. Турли қалин китобларни чиқариб, шиорлар, ашулаларни тўқиб, ҳаммаи сохта ғояларга ишонтириш оддий ҳол эди. Комсомол бўлмасанг партияга кирмайсан, партияга кирмасанг ҳеч қандай вазифада ишлай олмайсан, деган қараш ҳукмрон эди.

Яна бир мудҳиш нарсаси шуки, 30-йилларда қулоқлаштириш сиёсати олиб борилиб, минг-минглаб одамларнинг молу мулки, уй-жойлари тортиб олинган, ўзлари эса узоқ ва совуқ ўлкаларга сургун қилинган, бу тузумдан норози бўлган одамларнинг болаларига “халқ душманининг фарзанди” деган тамға босилган. Умуман, совет тузumi ва мафкураси миллионлаб одамларни майиб қилган, уларнинг тақдирида аянчли из қолдирган. Уларнинг қанча-қанчаси адолатни, ёруғ кунларни кўрмасдан бу дунёдан ўтиб кетган.

Мана, энди СССР деган давлат йўқ бўлиб кетди. Кимдир бундан хурсанд бўлса, яна кимдир, афсуски, ўша даврларни қўмсаб яшайпти. Аслида, империялар, зўравонлик билан тузилган давлатлар ҳеч қачон узоқ яшамайди. Бу - тарих ҳақиқати. 121-122

“Ўзбек модели” ҳақида:

-Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришилди. (130)

-Ўзбекистоннинг бешта устувор йўналиш - тамойилдан иборат бўлган, дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб тан олинган ривожланиш йўли ҳар томонлама тўғри йўл эканини ўтган 24 йиллик истиқлол тарихимиз исботлади. (134)

- ... энг замонавий русумдаги, нафақат ички бозоримизда, балки халқаро бозорда ҳам талаб катта бўлган 8 турдаги енгил машиналар ишлаб чиқарилмоқда. (140)

-Ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишига боғлиқдир. (148)

-Бозор иқтисодиёти - бу эркин бозор демакдир. Яъни, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарсани талаб ва таклиф белгилайди. Бу-бозорнинг асосий тамойили ҳисобланади. (149)

- ... бугунги кунда ишсизлик масаласи бутун дунёда энг катта муаммога айланиб бормоқда. (153)

-Германиянинг “МАН авто” компанияси билан ҳамкорликда Жомбойда қурилган заводда йилига 4600 га яқин юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. (157)

-Сирдарё иссиқлик электр станцияси мамлакатимиз электр қувватини 3\1, (159) Тошкент вилояти 45 % беради. (164)

-Қамчиқ давонидан кунига 20000 автомобил қатнамоқда. Ангрен-Поп темир йўли 123 км, тоннель 19,1 км, дунёда 13, МДХда энг узун тоннель. (167)

Қишлоқ тараққиёти ҳақида:

- Шарқда азалдан яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрнинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган.

-Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ва миришкор инсонларни дунёда топишнинг ўзи қийин.

-Қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириш - бутун ҳаётимизни ўзгартириш демакдир. (174)

-Ўзбекистонда 4 миллион 300 минг гектар суғориладиган ер бор. Унинг катта қисми 80-85 фоизи шўрланган, 60 фоизи кучли даражада шўрланган. (175)

-Ҳаммамизга аёнки, ер ҳам бамисоли тирик жон, унга ҳам қараш, парвариш қилиш керак. (179)

-Фермер-бугунги жамиятнинг нафақат энг фаол керак бўлса, энг ишончли аъзоси. Фермер-фаровон ҳаёт бунёдкори. (179)

- ... қишлоқ тараққий топса, мамлакатимиз тараққий топади, ҳаётимиз янада обод ва фаровон бўлади. (183)

-Мамлакатимиздаги мавжуд боғ майдонларининг бешдан бир қисми айнан Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келади. (184)

- ... мамлакатимиз аҳолисининг 50 % га яқини, яъни 16 миллионга яқини қишлоқ жойларда истиқомат қилади. (185)

Шаҳарлар ҳақида:

-Озод ва обод юрtdа яшайдиган, янгича фикрлайдиган одамларнинг уйлари ҳам, уларнинг ҳаёти, турмуши ҳам гўзал ва фаровон бўлиши керак. (191)

-Ушбу фаслда: Нукус (191), Андижон (191), Бухоро (192), Жиззах (192-193), Наманган (193), Самарқанд (193-194), Гулистон (194-195), Қарши (195-196), Термиз (196-198). Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Олмалиқ (199), Тошкент-Эски шаҳар (199-202), Марғулон, Қўқон, Фарғона (202-203), Урганч, Хива (203-204) шаҳарларидаги ўзгаришларга тўхталинган.

- ... шаҳарни шаҳар қиладиган куч-бу мана шаҳарда умрбод яшайдиган халқ бўлади. (198)

-Одамлар билан маслаҳат, маслаҳат ва яна бир бор маслаҳат қилиб, уй қуриш керак. (202)

Раҳбар ҳақида:

-Раҳбарман, етакчиман деган инсон, аввало, ўз олдига, халқим эртага бировнинг қўлига қараб қолмаслиги учун мен ўзим нима иш қилдим, бугун қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқдаман, деб савол қўйиши ва шу саволга жавоб топиши керак. (207)

-Янги раҳбарни сайламоқчи бўлсак, аввало... ,

Биринчидан, ўзини бошқалар билан тенг кўрадиган,

Иккинчидан, ўзига ишонган халқнинг дарду ғамини, унинг тақдири, эртанги кунини ўйлаб яшаши,

Учинчидан, ... синовдан ўтган одамларни раҳбар қилиб сайлаш зарур. (207-208)

- ... ҳаёт биз учун доимо сабоқ мактаби десак, янглишмаган бўламиз. (209)

- Раҳбар бошқалардан кўра узоқни кўрадиган, бошқалардан чуқурроқ ўйлайдиган, мулоҳаза қиладиган, энг муҳими, оёғи ердан узилиб қолмайдиган инсон, халқпарвар шахс бўлиши керак. Раҳбар

доимо халқнинг дарди билан яшаши, унинг келажаги учун ўзини масъул билиши талаб қилинади. (210-211)

Кексалар ҳақида:

-Бизнинг қарияларимиз қачон дуога қўл очмасин, Яратганимиздан эл-юртимизга тинчлик ва омонлик, фаровонлик ва равақ сўрайди. Мана шундай ҳаётӣ, ҳикматга тўла гапларни такрорлашдан чарчамайдиган қарияларимиз хонадонларимизнинг файзи ва баракаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Агар кимнинг уйида мана шундай қариялар бўлса, улар - бахтли инсонлардир. (219)

-Қайси уйда кекса инсон бўлса, у ерда ўзгача файз ва барака бўлади. Болаларнинг тарбияси ҳам, одоби ва ахлоқи ҳам умуман бошқача бўлади. Биз бугун қарияларимизни қандай қадрласак, қандай эъзозласак, келгусида болаларимиз ҳам бизни худди шундай эъзозлайди. (220)

-Барчамиз хотира билан яшаймиз, хотира билан тирикмиз. (223)

Аёллар ҳақида:

-Аёлнинг кайфияти яхши бўлса, аёл ҳаётдан рози бўлса, оила ҳаётдан рози бўлади. Агар оила рози бўлса, маҳалла, бутун эл-юрт рози бўлади.

-Мен нима учун аёллар ҳақида гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман? Негаки, улар тўғрисида сўзлаганда, мўътабар, нурли сиймоси доимо менинг қалбимда, юрагимда яшаб келаётган мунис онамни эслайман... (227)

- ... дунёда ҳақиқатдан ҳам ўзбек аёлига тенг келадиган аёл йўқ. (229)

- Чиндан ҳам энг кўп меҳнат қиладиган, оиланинг энг севадиган, оилани ҳақиқӣ оила, эркакларни эркак қиладиган ҳам аёлларимиздир (230)

- ... аёл гўзал бўлса - олам гўзал, аёл бахтли бўлса - оила, бутун жамият бахтли бўлади.

-Биз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур - аёлини эъзозлаган эркак бахтли бўлади, аёлини ҳурмат қилган миллат кам бўлмайди.

-Аёлни ҳурмат қилсак, миллатни ҳурмат қилган бўламиз. (231)

-Юртимизда ҳар бир қиз бола-бу менинг набирам ва уларни хафа қилишларига мен ҳеч қачон йўл қўймайман.

-Қиз бола - бу бўлғуси она, фарзандларимизнинг тарбиячиси. Эртанги авлод - бу Ўзбекистоннинг келажаги дегани. (232)

Фарзанд тарбияси ҳақида:

-Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир.

-Янги авлодни тарбиялаш - халқни тарбиялаш деганидир. (235)

- Бировга яхшилик қилган одамга, албатта, яхшилик қайтади, ўзига қайтмаса боласига, набираларига қайтади, ўзига қайтмаса боласига, набираларига қайтади.

-Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди. (240)

-Ҳақиқатан ҳам, биз ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўрамиз. (247)

-Биз доим ўрганишга, тинчликни қадрлаб, тарихдан сабоқ чиқариб яшашга тайёр бўлган халқмиз. (248)

- ... энг катта бойлигимиз бизнинг ёшларимиз, болаларимиз. (249)

-Бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётига энг катта зиён етказадиган нарса бу-сохта ва ёлғон информация. (251)

- ... ўзбек халқининг болажонлиги, ўз боласини жонидан ҳам яхши кўриши, бу борадаги фидойилиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир. (253)

-Бизнинг эртанги авлодимиз биздан кўра кучли, билимли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт, деган шиорни мен 90-йилларда айтган эдим. (254)

-Эътибор берсангиз, ҳозирги кунда оналар ўз фарзандларини спорт залларига, мусиқа мактабларига етаклаб келмоқда... Бу Ўзбекистонда илгари кузатилмаган ҳолат. (257)

-Ҳозирги домлаларимизда ўз устида тинимсиз ишлаши учун яна битта туртки - мен болалардан, талабалардан орқада қолаётган бўлсам, уларга дарс беришга ҳаққим йўқ, ўз устимда янада кўпроқ ишлашим керак, деган фикр пайдо бўлаяпти. (258)

-Профессор ва ўқитувчиларнинг обрўси-бу унинг билими ва салоҳияти, талабалар юрагида, қалбида қолдирган ўчмас изи, яхши мутахассис ва шогирдларни тарбиялаши билан ўлчанади. (259)

- Соҳибқирон Амир Темур бобомиз мана шу юртда туғилгани, мана шу юртда яшаб, уни ёвдан озод қилгани, буюк давлат барпо

этгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу улуг зотни бизга Худонинг ўзи берган. Амир Темур бизга қолдирган мерос - бу барча авлодларимизга хизмат қиладиган абадий меросдир. (263)

- ... бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимиз, ёшларимиздир. (264)

- ... мен ҳамиша таълим-тарбия соҳасида ишлайдиган юртдошларимизни ўзимга яқин тутаман, уларнинг машаққатли меҳнатини қадрлашни ҳеч қчон эсимдан чиқармайман. (269)

-Ота-онаси, фарзанди учун, эл-юрт, она Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр бўлган инсонни ҳақиқий ўғлон дейдилар. Ўғлон деган сўз билан ўғил деган сўзнинг фарқи бор. Ўғлон деган сўзнинг маъноси жуда катта. Яъни, ўғилларнинг энг сарасини, мард йигитларни халқимиз ўғлон дейди. (269-270)

Тинчлик ҳақида:

-Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат муҳитини сақлаш, ҳуқуқий саводхонликни, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини оширишни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада кучайтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. (275)

- ... бизнинг қилаётган барча-барча ҳаракатларимиз, давлатимиз, ҳукуматимиз, раҳбарият амалга ошираётган ишлар, албатта, нимага қаратилган, деб сўрасак, мана шу тинчликни сақлаш учун, деб жавоб бериш ҳар томонлама тўғри бўлади. (277)

- Бизнинг қарияларимиз, юздан ошган мўътабар отахон ва онахонларимиз -- юртимиз тинч ва осойишта, ҳаётимиз фаровон бўлсин деб, бугунги кунимизга шукроналар айтади. Чунки ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.

-Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилиш, орзу қилиш эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта баҳоли қудрат курашишимиз даркор. (280)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг

Президентлик лавозимига киришиш тантанали

маросимидаги нутқи:

-Ушбу нутқда эришган ютуқларимиз, ютуқларнинг сабабларига тўхталинган.

- ... бугун эришаётган юксак марра ва ютуқларимизни ҳеч ким инкор этолмайди. (284)

- ... ютуқларнинг сабабларини биз, аввало, мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамиз. (285)

- ... мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир.

-Агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин.

Биз ХХІ асрда - интеллектуал меҳнат ва Интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. (286-287)

- ... барчамиздан, аввало, бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишни талаб қилади. (287)

- ... аввало, мулкдорларга эркинлик бериш масалалари тўла ечилмаяпти, ўзининг кутилган самарасини бермаяпти. (290)

- ... иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз даркор. (291)

-Ўзбекистон Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани мустаҳкамлаб қўйилган.

-Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа — маъмурий буйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб қолаётган ҳар қандай шаклларидадан воз кечиш... (293)

-Ўзбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлиши мулкчиликнинг энг маъқул, самарали, ўзини оқлаётган йўлидир. (294)

-Мафкуравий кураш бу, аввало, сиёсий кураш дегани. Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий нуқтаи назардан манфаати бўлиши табиий ҳол. Буларнинг орасида маънавият соҳасидаги манфаат ва кураш энг муҳим жабҳа ҳисобланади.

-Маънавият аслида нима эканини ҳаммамиз чуқур англаб олсак, уни болаларимизга ҳам ўргатсак, биз киммиз, қандай буюк

зотларнинг авлодимиз, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисларимиз, деган саволларни олдимизга қўйиб, уларга жавоб бериб яшайдиган бўлсак, ҳеч нарсадан кўркмасак бўлади. (297)

-Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий - сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.

-Илгари ҳам айтганимдек, бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз керак. (300)

-Дипломатнинг энг катта ютуғи нима, деб сўрасангиз, мен улар кўп ишлатадиган ибора билан, урушни бошламасидан туриб уни ютишида, деб жавоб берган бўлардим. (301)

-Менга юксак ишонч билдирган она халқимизга бош эгиб, яна ва яна бир бор таъзим қиламан.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш - мен учун энг юксак шараф, олий саодатдир. (302)

Ушбу сўнги хулосавий фикрдан китоб сарлавҳаси олинган.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асари аввало, ҳар бир фуқарон Ватан учун, ўз халқи учун хизмати муқаддас бурч ва туйғу эканлиги, Президентимизни сайловчиларга ва халқимизга минатдорлик изҳори, истиқболдаги вазифалар, ЎзЛеДеПнинг келгусидаги вазифалари баён қилинган асардир.

Бу асарнинг аудиториясининг сарҳади кенг ва чегарасиз, у ҳар бир фуқаро, инсон учун мўлжалланган.

“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш
– энг олий саодатдир” асарида

Сирдарё ҳақида:

Сирдарё вилояти саноатидаги йирик корхоналар ҳақида гапирганда, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг қарийб учдан бир қисмини етказиб бераётган Сирдарё иссиқлик электр станциясини тилга олиш ўринлидир. Кейинги йилларда ана шу йирик мажмуада 60 миллион доллар инвестиция ҳисобидан иккита энергия блоки модернизация қилингани унинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Вилоятда саноат тармоқларини диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни жорий этиш ва импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Айниқса, Сирдарёда “Жиззах” махсус индустриал зонасининг ҳудудий филиали ташкил этилгани, вилоят иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ўзгартиришга янги қудратли туртки берди, десак, муболаға бўлмайди. (159)

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 6 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ўтган йили 580 минг тонна ғалла, 243 минг тоннадан ортиқ пахта, қарийб 346 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Сирдарёнинг мураккаб иқлим ва тупроқ шароитида бундай натижаларга эришиш осон эмаслигини, бунинг учун қандай катта меҳнат талаб қилинишини барчамиз яхши тушунамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг фидойи деҳқон ва фермерларига, сиз, мухтарам Сирдарё аҳлига мардона меҳнатингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азизларим, деб барчангизга бахт ва омад тилайман. (183-184)

Гулистон шаҳри ҳам исми жисмига мос бўлиб, тобора чирой очиб бораётганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Сўнгги вақтда бу ерда 380 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ ҳисобидан 18 та дренаж қудуқлари реконструкция қилингани, 15 километрлик очик ва ёпиқ зовурлар тозалангани бу шаҳар учун ўткир муаммо бўлган сизот сувлари

сатҳини сезиларли даражада, яъни 30 сантиметрга пасайтириш имконини берди.

Шулар қаторида ҳозирги кунда Ўзбекистон, Мустақиллик, Сайхун каби марказий кўчаларда кўп қаватли уй-жойлар ва фавворалар барпо этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш масканларининг меъморий қиёфасини ўзгартириш, умуман, шаҳарни ҳар томонлама обод қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. “Ёшлар маркази” биносида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бошқа шаҳар ва туманларда ҳам фаол олиб борилмоқда ва келгусида ҳам изчил давом эттирилади. (194-195)

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида яшаётган 780 мингга яқин аҳолининг қарийб 300 мингини ёки 38 фоиздан ортиғини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Бу эса, табиийки, ана шу фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишини таъминлаш учун олдимизга кўп-кўп долзарб вазифаларни қўяди. Шу кўз билан қараганда, вилоятда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган катта ишлар, айниқса, эътиборлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги етти йилда 8 та янги мактаб қурилиб, 140 та мактабда капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилганини айтиш ўринлидир. Келгусида ҳам яна кўплаб замонавий мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, маданият ва санъат, спорт масканларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. (252)

“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир” асарида
фойдаланилган:

Мақоллар:

- Етти ўлчаб, бир кес. (73, 145, 152, 208, 209, 210)
- Бирор жойга киришдан олдин чиқишни ўйлаш керак. (158)
- Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, амал бериб кўр. (208)

Иборалар:

- Ер билан осмонча фарқ бор. (95)
- Ҳаёт-бу оқар дарё. (223)
- Емаган сомсага пул тўлашнинг нима кераги бор? (279)

Ҳикматлар:

... агар сен ўзингдан олдин ўтганларни милтиқ билан отадиган бўлсанг, авлодларинг сени замбаракдан ўққа тутди. (110)

Расул Ҳамзатов

Яъни, сизларнинг аجدодларингиз, ота-боболарингиз ҳали дарахтга осилиб юрганида бизнинг халқимиз, аجدодларимиз инсоният тараққиётига бемисл ҳисса қўшган цивилизацияларни юзага келтирганлар, оламшумул кашфиётлар қилганлар. (120)

Ғафур Ғулом

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби. Азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзал. (141)

Амир Темур

Жаннат оналарнинг оёғи остидадир. (228)

Алишер Навоий

Тамойиллар:

- Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. (128)
- Ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун. (128)

Шиор:

- Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз! (140)
- Ватанимиз келажаги ёшларимиз қўлида. (286)

Даъват:

- Ободлик кўнгилдан бошланади. (192)

Асар:

- “Юксак маънавият - енгилмас куч”. (297)

ХУЛОСА

Ўзбек халқи тарихи минг йилликларга бориб тақалади, биз сиёсатда, фану маданиятда, дину диёнатда ва урфу одатда дунёни ларзага солган давлатнинг ворисларимиз. Шу боис истиқлол биз ўзбеклар учун буюк ва муқаддас неъмат ва қадриятдир, истиқлол берган ғурур ва ифтихор туйғуси эса бетакрор ва зилолдир.

Мустақилликни 24 йили давомида ўзбек миллий фани тараққиётининг янги даври бошланди. Бу бевосита Президент Ислом Каримов ғоялари асосида дунёга келди, шаклланди.

Демак, Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов асарлар ўзбек миллий фани барча соҳаларини, биринчи навбатда тарих фанининг энг муҳим методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда халқимизнинг руҳиятини баланд кўтариш учун юртига, она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини қалбида мужассам этган, дили пок, маърифатга ташна, баркамол ёшларни тарбиялаш зиёлиларнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Бу ўринда биз юқорида келтирган фикр ва мулоҳазалардан ўринли фойдаланиш, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг: “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзусидаги маърузаси, Самарқанд шаҳрида 2014 йил 15-16 май кунлари “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилишида сўзлаган “Аждодларимизнинг бебаҳо мероси-абадиятга дахлдор маънавий хазинадир” мавзусидаги нутқи ва “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асарларида берилган ғоялардан кенгроқ фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистонда муҳтарам Юртбошимиз ғоялари, ташаббуслари ва бевосита раҳнамолиги остида 24 йил мобайнида олиб борилган барча ислохотлар, дастурлар, режалар ва саъй-ҳаракатларнинг бош мезони – уларнинг инсон ҳаёти, фаровонлиги, хавфсизлиги ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилганлиги бўлиб келмоқда.

Президент асарларининг бош мавзуси инсон, унинг фаровон ҳаёти ва мустақил тафаккурини ривожлантиришга қаратилган. Бу борада битмас-туганмас хазина бўлган тарих фанининг, Юртбошимизнинг тарихий мавзудаги асарларининг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998. 32 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2007. 32 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 440 бет.
4. Президент Ислom Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” 16.05.2014.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажига йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2015. 304 бет.
6. Президент Ислom Каримов асарлари библиографияси. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 44-45, 65-66 бетлар.
7. Исмоилов С. Ижтимоий фанларни ўқитишда Президент асарларидан фойдаланиш (АЛ ва КХК ижтимоий фанлар ўқитувчилари учун) ўқув қўлланма. -Гулистон: Университет, 2014. 112 бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарлари библиографияси

Жилд рақами	Жилдларнинг номланиши	Чоп этилган йил	Жами саҳифа
1	Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура	1996	364
2	Биздан озод ва обод Ватан қолсин	1996	380
3	Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир	1996	366
4	Бунёдкорлик йўлида	1996	349
5	Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби	1997	382
6	Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида	1998	429
7	Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз	1999	410
8	Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз	2000	528
9	Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз	2001	432
10	Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак	2002	430
11	Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли	2003	320
12	Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ	2004	400
13	Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди	2005	448
14	Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият	2006	280
15	Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсади	2007	320
16	Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида	2008	368
17	Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз	2009	280
18	Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари	2010	280
19	Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир	2011	360
20	Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир	2012	320
21	Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлидир	2013	370
22	Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар - биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир	2014	368

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари ҳақида қисқача маълумот	4
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзусидаги маърузаси ҳақида қисқача маълумот	12
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асари ҳақида қисқача маълумот	23
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Аждодларимизнинг бебаҳо мероси-абадиятга дахлдор маънавий хазинадир” мавзусидаги нутқининг қисқача мазмуни	31
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асари ҳақида қисқача маълумот	35
ХУЛОСА	60
Фойдаланилган адабиётлар	61
Илова: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари библиографияси	62

Собиржон Исмоилов, Омонжон Бегиев

ТАРИХИМИЗ-БИТМАС-ТУГАНМАС ХАЗИНА

тарих фанини ўқитишда

Президент Ислам Каримов асарларидан фойдаланиш
(умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари учун)

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

СВПКҚТИ кичик босмахонасида чоп этилди.

Босишга рухсат этилди 25.11.2015 йил.
Офест қоғози гарнитураси “Times New Roman”.
Қоғоз бичими 60x84. 1/16. Босма табағи 4,0.
Буюртма № 46. Адади 100 дона.